



**СОЛИҚ ТҮЛАШДАН ҚОЧИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ФИСКАЛ
НАЗОРАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

Файзиев Орифжон Олимович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мазкур мақолада, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаширилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизmlарини ишлаб чиқиши ва солиқ назоратини амалга оширишининг замонавий услубларини жорий этиш, асосийси, иқтисодиётда хуфиёна фаолиятни қисқартириш, шаффофлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур йўналишда солиқ органларини фаолиятини такомиллашириш ва уларни самарадорлигини баҳолаш йўллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, тадқиқот доирасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: ялпи қўшилган қиймат, хуфиёна иқтисодиёт, ҳудудий ва миллий кўрсаткичлар, якуний истеъмол, ялпи жамғариш.солиқ солиқ тушумлари, интерактив хизмат, самарадорлик, рақамли платформа, рақамли трансформатсия, усуллар ва воситалар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлашириш, веб-хизматлар, замонавий техникалар, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

**ПУТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННОГО ФИСКАЛЬНОГО КОНТРОЛЯ ДЛЯ
ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ УКЛОНЕНИЯ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ**

Файзиев Орифжон Олимович
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье речь идет о широком внедрении современных информационно-коммуникационных технологий и передовых автоматизированных методов анализа в процесс налогового администрирования, всестороннем содействии налогоплательщикам в исполнении их налоговых обязательств, разработке эффективных механизмов предупреждения налоговых правонарушений и внедрение современных методов налогового контроля, главное, служит сокращению конспиративной деятельности в экономике и повышению уровня прозрачности. В данном направлении проведено исследование путей совершенствования деятельности налоговых органов и оценки их эффективности, в рамках исследования сформированы выводы и предложения.

Ключевые слова: валовая добавленная стоимость, неформальная экономика, региональные и национальные показатели, конечное потребление, валовое накопление, налоговые поступления, интерактивный сервис, эффективность, цифровая платформа, цифровая трансформация, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, интернет. услуги, современная техника, налоговые льготы, налоговая ставка.

WAYS TO USE MODERN FISCAL CONTROL TO PREVENT TAX EVASION

Fayziyev Orifjon Olimovich
Tashkent State University of Economics

Annotation. This article deals with the widespread introduction of modern information and communication technologies and advanced automated methods of analysis in the process of tax administration, comprehensive assistance to taxpayers in the fulfillment of their tax obligations, the development of effective mechanisms for the prevention of tax offenses and the introduction of modern methods of tax control, most importantly, it serves to reduce conspiratorial activities in the economy and increase the level of transparency. In this direction, a study was made of ways to improve the activities of tax authorities and evaluate their effectiveness, within the framework of the study, conclusions and proposals were formed.

Keywords: gross value added, informal economy, regional and national indicators, final consumption, gross capital formation, tax revenues, interactive service, efficiency, digital platform, digital transformation, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, internet services, modern technology, tax incentives, tax rate.

Кириш.

Республикамизда ҳозирги даврда солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида бюджет даромадларини ошириш, солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, солиқларни унификация қилиш қаралади. Бунда маҳсулотларнинг реализатсия баҳосини сунъий равишда пасайтириш натижасида солиқ баъзаси йўқотилишини олдини олиш;

“бир кунлик фирма”лар фаолиятига тўлақонли барҳам беришни ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатдан ўтиш босқичида амалга ошириш механизмини йўлга қўйиш;

Экспортёр корхоналар томонидан қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммаси ўрнини қоплашнинг ноқонуний схемаларидан файланиш ва ушбу схемаларни бартараф этиш;

жисмоний шахслар томонидан тўловларни пластик карточкалари орқали амалга ошириш механизми таҳлили ва мазкур механизмнинг тўлақонли солиққа тортиш тизими такомиллаштириш;

товарлар импортини амалга ошириб, хуфиёна фаолият юритаётган хўжалик субъектлари фаолиятини таҳлил қилган ҳолда бартараф этиш чораларини кўриш назарда тутилгани мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Адабиётлар шархи.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилганимизда бир қатор олимлар ҳамда эксперталар томонидан мамлакатда хуфиёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда хуфиёна иқтисодиёт кўрсаткичларининг ўсиб боришига нисбатан турли ҳил илмий ёндашувлар илгари сурилади.

Бекрашев томонидан хуфиёна иқтисодиётни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида қўйидагиларни келтириб ўтадилар: - бозор тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги; - бозорнинг жамият манфаати учун фаолият юритмаслиги; - бозорнинг ташқи салбий омилларга қарши самарали тура олмаслиги; - анонимлик¹²⁷.

Панков ва Цыпиннинг (2015) “Моделирование влияния социальноэкономических факторов на валовой региональный продукт” номли асарида ижтимоийиқтисодий омилларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсир даражаси белгилаб берилган.

Абу ва Орловнинг (2014) “Сравнительный эконометрический анализ величины валового регионального продукта в регионах Российской Федерации” мақоласида эконометрик таҳлил асосларини баён қиласди ва регрессия тенгламаси параметрларини баҳолайди, омилларнинг ЯҲМга таъсирини тавсифлайди.

¹²⁷ Bekryashev A.K., Belozerov I.P. “Tenevaya ekonomika i ekonomicheskaya prestupnost” / i kriminalnoy ekonomiki. Ponyatie i struktura tenevoy ekonomiki. <http://www.finbook.biz/description.html?prm=149> <http://newasp.omskreg.ru/bekryash/ch1p10.htm>



Нешадин ва Кашиналарнинг (2013) “Динамика развития валового регионального продукта регионов РФ” мақоласида минтақаларни асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларга кўра фарқланиши тадқиқ этилади.

Гордеев ва Кочеровнинг (2014) “Анализ и формализация динамики валового регионального продукта в условиях экономической нестабильности” омиллар таъсири ва ривожланиш даражасига қараб минтақаларнинг фарқланиши тўғрисида бир қатор хуросалар қилинади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиш сабаблари ҳамда унга таъсир этувчи омилларга нисбатан олимлар ҳамда эксперталарнинг илмий қарашлари қиёсий таҳлил қилинди. хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат миллий иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган салбий жиҳатлари ёритилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бизга маълумки Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шартшароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ маъмурчилигини яратиш бугунги куннинг муҳим, долзарб масалаларидан биридир. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги Солиқ хавфини бошқариш тизимини 611-сонли қарор билан тасдиқланган. Мазкур қарор билан Солиқ органларида жорий этилган солиқ хавфини бошқариш тизими яъни CRM (Compliance Risk Management), солиқ маъмурчилиги ривожланган мамлакатларининг солиқ органлари тажрибаларини таҳлил қилиш ҳамда Ҳалқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бир қатор бошқа ҳалқаро молия институтларининг тавсиялари билан бир қаторда ISO 31000 Хавфларни бошқариш ҳалқаро меёrlари асосида ишлаб чиқилган.

Маълумот учун: 2020 йил октябр, 2021 йил апрель ва 2022 йил апрель-май ойларидаги ҲВЖ (МВФ)нинг хуфёна иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасига техник ёрдами доирасида солиқ хавфини бошқариш тизими (CRM)ни жорий этиш бўйича тавсиялар ва техник ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 24 мартағи ПҚ-178-сон қарори билан “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш учун Жаҳон банки Директорлар кенгаши 2021 йил 16 июнда Ҳалқаро тараққиёт уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикасига 30 йил муддатга, шу жумладан 5 йил имтиёзли давр билан 60 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратилишини маъқуллаган. Ушбу қарор билан Солиқ хавфини бошқариш тизимини ҳалқаро меёrlар асосида такомиллаштиришга 2 млн АҚШ доллари маблағ ажратилиб, Солиқ қўмитасида мунтазам равища Жаҳон банкининг тавсиялари асосида иш ташкил этиб келмоқда.

Солиқ хавфини бошқариш тизимини Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сонли қарор билан тасдиқланган минимал талабларга мослаштириш қўйидаги муаммоларни келтириб чиқаради:

Биринчидан, Ҳалқаро валюта жамғармасининг тавсияларига ва ҳалқаро меёrlарга мувофиқ Солиқ хавфини бошқариш тизими солиқ тўловчиларнинг 4 та асосий мажбуриятлари (Рўйхатдан ўтиш, ҳисоботлар тақдим этиш, солиқ базасини яшириш, солиқларни тўламаслик) бўйича солиқ қонунчилигига риоя этиш хавфи баҳоланади.

Маълумот учун: минимал талабларнинг 12 ва 14 бандларида баҳолаш жараёни ўрганиладиган маълумотлар асосида тадбиркорлик субъекти фаолиятида хуқуқбузарлик аломатлари ҳақида хабар берувчи энг камида 5 та асосий кўрсаткични ўз ичига олиши шартлиги ва ҳар бир асосий кўрсаткич камида 5 та аниқлаштирувчи суб-кўрсаткични ўз ичига олган бўлиши лозимлиги белгиланган.

Иккинчидан, Солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилган таҳлилларга асосан 611-сонли қарор билан тасдиқланган минимал талаблар бўйича хавф гуруҳларига ажратиш натижасида Дастур воситасида баҳоланган (фаолият кўрсатмаётган корхоналар билан бирга) 823,4 мингта корхонадан:

- а) 12,4 мингтаси хавф даражаси юқори;
- б) 84,8 мингтаси хавф даражаси ўрта;



в) 726,2 мингтаси солиқ хавфи даражаси пастни ташкил этмоқда.

Солиқ кодексининг 140-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори 1-иловаси 14-моддасига мувофиқ Солиқ аудити солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчига (солиқ агентига) нисбатан ўтказилиши белгиланган (Кодекс, 2020). Маълумот учун: Минимал талабларга асосан баҳолангандан аниқланган 12,4 мингта солиқ тўловчидаги солиқ органлари томонидан солиқ аудити ўтказиш мажбурияти юзага келади, 2022 йил давомида 1 139 та солиқ аудити ўтказилган (солиқ аудитлар сони ўн баробар ортиб кетишига сабаб бўлади).

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги 471-сон қарори 7 банди 2 ва 3 хатбошига асосан солиқ органлари ушбу 12,4 мингта солиқ хавфи юқори субъектни ўз расмий сайтида жойлаштириш ва уларни давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан “Инсофиз ижро чиларнинг ягона реестри”га киритиш орқали уларнинг фаолиятига тўсқинлиқ қилинишига олиб келади. Худди шу тариқа, минимал талабларга асосан бир йилда 84,8 мингта камерал солиқ текшируви ўтказиш талаб этилиб, ўтган йилга нисбатан (32,8мингта) солиқ текширувлари сонининг 2,6 баробарга кескин ортиб кетиши ва солиқ тўловчиларнинг асосли эътиrozларига сабаб бўлади.

Текширув ўтказишга ташаббус билан чиқиш фақат хукуқбузарлик хавфи юқори таснифидаги тадбиркорлик субъекти доирасида профилактика тадбирлари ўтказилгандан сўнг ҳам хукуқбузарлик содир этиш аломатлари ижобий томонга ўзгармаган ҳолатлардагина амалга оширилиши мумкин деб белгиланмоқда. Хукуқбузарлик содир этиш хавфи ўртача таснифидаги тадбиркорлик субъектида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган профилактика тадбирларини ўтказиш шарт. Кейинги давр учун баҳолаш натижаларига кўра, тадбиркорлик субъекти фаолиятини баҳолаш натижасида салбий ўзгариш кузатилганда, тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш бўйича ташабbusi билан чиқиш мумкинлиги белгиланган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 15.09.2021 йилдаги ПФ-6314-сон Фармони 5-банди 5 хатбошида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни ўтказишга қонунбузилишларга йўл қўйилишини олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари белгиланган тартибида ўтказилгандан сўнг йўл қўйилади, бундан солиқ текширувлари, жиноят ишлари ва тезкор-қидирув фаолияти доирасида, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги мурожаатлар ва маълумотлар асосида ўтказиладиган текширувлар мустасно этиб белгиланган.

Тўртинчидан, минимал талабларнинг 22 бандида хукуқбузарлик содир этиш хавфи паст таснифидаги тадбиркорлик субъекти фаолиятига ҳар қандай аралашувларга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Солиқ кодексининг 137-моддасига мувофиқ “Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, ийғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади. Солиқ текшируви солиқ тўловчи тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.” Амалиётда қисқа мuddатда бирор йирик операцияларни амалга ошириш ва солиқдан қочиш мақсадида янги хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш тажрибаси мавжуд (бир кунлик фирмалар).

Мисол учун: "START" жамияти ўз таъсисчилигидаги "KONI" МЧЖга 2023 йил 10-20-январь кунларидаги ЭҲФларга асосан 67,2 млрд.сўмлик ёғоч маҳсулоти етказиб берилганлиги бўйича ЭҲФ расмийлаштирган.

Бироқ "START" томонидан ЭҲФга асосан харид қилинган товарлар ўрганилганда ушбу товарлар кирим қилинмаганилиги аниқланди. "KONI" МЧЖ жорий йилнинг январ ойида реализация қилган 61,9 млрд.сўмлик ёғоч маҳсулотлари учун ҳисобот топширмаган бўлсада контрагент корхона томонидан ҚҚС суммаси асосиз ҳисобга олган. Натижада давлат бюджетига 9,3 млрд.сўм зиён келтирган. “Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш” автоматлаштирилган дастурида янги очилган корхоналар ҳисобот топширгунга қадар солиқ хавфини баҳолашда солиқ хавфи паст корхоналар таркибида бўлади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 138-моддасида солиқ органлари камерал солиқ текшируви ўтказилиши бошлангунига қадар текширувдан олдинги таҳлилни ўтказиши мумкинлиги (Кодекс, 2020);

агар текширувдан олдинги таҳлил чоғида солиқ органи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисботовида солиқ органида мавжуд бўлган маълумотлар билан тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланса, солиқ тўловчига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ ҳисботовига тегишли тузатишлар киритиш тўғрисидаги хабарнома юборилиши;

солиқ тўловчи тегишли тузатишлар киритиш тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда аниқлаштирилган солиқ ҳисботовини ёки аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши шарт. Бундай мажбуриятнинг бажарилмаганлиги солиқ органи томонидан солиқ тўловчига камерал солиқ текширувни тайинлаш учун асос бўлиши белгиланган.

Бунда, текширувдан олдинги таҳлил натижасида, солиқ текширувлари хавф даражасидан қатъий назар ўтказилиши мумкин.

Солиқ кодексининг 2-моддаси 1-қисмида Солиқ тўғрисидаги қонунчилик ушбу Кодексдан ва қабул қилиниши ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлардан иборат деб белгиланган.

Шунингдек, СК 3-моддасида норматив-хукуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми, агар мазкур ҳужжатга нисбатан қўйидаги шартлардан ҳеч бўлмагандан биттаси бажарилса, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ эмас деб топилади (Кодекс, 2020):

Ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-хукуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари бу ҳужжатни бекор қилишга ёки унга зарур ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бу органлар ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-хукуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгартишлар киритишни рад этган тақдирда, у суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги норматив-хукуқий ҳужжат ёки унинг қисми улар қабул қилинган санадан эътиборан ушбу Кодексга мувофиқ эмас деб топилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Республикаизда хуфиёна иқтисодиёт улушкини аниқлашда методологик тартиб мавжуд эмас. Айрим ҳалқаро ташкилотлар ва эксперталарнинг фикрига кўра Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт улushi ЯИМнинг 48 – 50 фоизи даражасида баҳоланмоқда. Хусусан, 2018 йил якунларига кўра, савдо соҳасида 75 фоиз, қурилиши соҳада 50 фоиз, ишлаб чиқариш 45 фоиз, қишлоқ хўжалиги 40 фоиз, хизмат курсатиш 30 фоизни ташкил этган. 2022 йил якунлари билан ЯИМ 888,3 трлн.сўмни ва давлат бюджетига тушумларнинг (2022 трлн.сўмни ёки 18,5 млрд долл.) улushi 22,7 фоизни ташкил қилган.

Озарбайжон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг маълумотларига хуфиёна иқтисодиёт улушкини аниқлашда ягона методологик тартиб мавжуд эмас ва уни ҳисбовини юритмаслигини айтиб ўтди. Шу билан бирга унинг маълумотларига кўра бугунги кунда Озарбайжонда норасмий иқтисодиётнинг улushi ЯИМ нинг 8 фоизи (6,5 млрд долл.) даражасида баҳоланмоқда. 2022 йил якунлари билан ЯИМ 133,8 млрд манатни, шундан солиқ тушумларининг (27 млрд манат ёки 15,2 млрд долл.) улushi 20 фоизни ташкил қилган. Озарбайжон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан норасмий иқтисодиётни белгиловчи 9 та индикатор кўрсаткичлари (“барометр обеления экономики”) жорий қилиниб, ҳар ой якуни билан муҳокама қилиб борилар экан. Маълумот учун: 2017 йилда Ҳалқаро ташкилотлар ҳисботовларига кўра Озарбайжонда норасмий иқтисодиёт улushi 67 фоизни ташкил қилиб, дунёда энг юқори ўринлардан бирида бўлган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш бўйича мамлакатимизда ер майдони 25 гектардан ортиқ бўлган фермер хўжаликлари қўшилган қиймат солиғи тўлайди (фойда солиғидан озод қилинган). 25 гектаргача ер майдонига эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчилари эса айланмадан олинадиган солиқ (4%) ва ер солиғи (ернинг норматив қийматидан 0,95%) тўлайди. Деҳқон хўжаликлари фақат ер солиғи тўлайди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлариниг ялпи ички маҳсулотдаги улushi 28 фоизни ташкил этади.

Озарбайжонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчи тадбиркорлик субъектлари ер солиғидан ташқари барча солиқлардан озод этилган. 2022 йил якунларига кўра Озарбайжонда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ЯИМдаги улushi 5,1%ни ташкил этиб, 4,1 млрд долл.га етган. 2020 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализацияси бўйича айланмани яшириш ва (ёки) камайтириб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда мазкур сумманинг 6 фоизи миқдорида молиявий жарима қўлланилади (СК 58.15.-моддаси). Шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан аниқланган томорқа хўжалиги эгаларининг бир қисм харажатларини қоплаш мақсадида электрон ҳисоб фактура расмийлаштирилган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилинган тақдирда бюджетдан субсидия берилади.



Бундан ташқари, савдо ва хизмат кўрсатиш бўйича жисмоний шахсларга чакана савдо, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш объектларидағи харид суммасининг 1 фоизи миқдорида Республика бюджетидан қайтариб (кешбек) бериш жорий этилган. Бунда тўлов солиқ шаклидан қатъий назар уларнинг барчаси учун бир хил тартибда кешбек тўланади. Бизда чек берилмаслик ёки банк карталари орқали тўловларни қабул қиласлик ҳолатлари аниқланганда биринчи маротаба 5 млн сўм, икки ва ундан ортиқ маротаба содир этилганда 10 млн сўм молиявий жарима белгиланган.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадларидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалар таҳлил қилинганда иш ҳақи фондидан олинадиган солиқларнинг умумий қиймати 24 фоизни, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 12 фоиз, ижтимоий солиқ – 12 фоизни ташкил этади. Жисмоний шахсларнинг даромади бўйича солиқ солинмайдиган минимум белгиланмаган. Мажбурий тиббий суғурта ва ишсизлик суғуртаси тизимлари мавжуд эмас. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчиларининг сони 5,0 млн нафардан ортган.

Ўзбекистонда солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишда замонавий фискал назорат чоралари ҳал қилювчи аҳамиятга эгадир. Бунда маълумотлар таҳлилиниң илфор усуllibаридан фойдаланиш солиқ органларига катта ҳажмдаги маълумотларни самарали таҳлил қилишга ёрдам беради. Бу уларга солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг қонуниятлари, эҳтимолий ҳолатларини янада самаралироқ аниқлаш имконини беради. Фискал назоратда рискга асосланган ёндашувлар қўлланилган бўлиб, ресурслар юқори хавфга эга бўлган тармоқлар ва солиқ тўловчиларга қаратилган. Бу солиқ тўлашдан бўйин товлаш эҳтимоли кўпроқ бўлган соҳаларга йўналтирилган аудит ва текширувларга устувор аҳамият беришга ёрдам беради. Электрон касса аппаратлари каби электрон фискал қурилмаларни жорий этиш транзакцияларни реал вақт режимида кузатишга ёрдам беради ва савдоларнинг аниқ қайд этилишини таъминлайди. Бу сотишдан тушган даромадни манипуляция қилиш ва кам ҳисобот бериш имкониятини камайтиради. Онлайн ҳисобот ва тўлов тизимларининг жорий этилиши солиқ тўловчилар учун солиқ мажбуриятларини соддалаштиради. Бу уларга солиқ декларациясини тақдим этиш, тўловларни амалга ошириш ва солиққа оид маълумотлардан электрон кўринишда фойдаланиш имконини беради, маъмурий юкни камайтиради ва шаффофликни оширади. Солиқ қонунчилигининг бажарилиши ва уларга риоя қиласлик учун жарималар солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олади. Ўзбекистон солиқ органлари қатъий жазо чораларини қўллаш ва уларнинг ижросини таъминлаш орқали солиқ тўловчиларни фирибгарлик билан шуғулланишдан қайтармоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги замонавий фискал назорат чоралари солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш учун илфор технологиялар, таваккалчиликка асосланган ёндашувлар, ҳамкорлик ва қатъий назоратдан фойдаланади. Ушбу чора-тадбирлар шаффофликни таъминлайди, қонунчиликка риоя қилишни яхшилайди ва мамлакатда адолатли ва адолатли солиқ тизимини яратишга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар.

Солиқ назорати тадбирлари натижасида (сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити ва бошқалар) корхоналар томонидан норасмий ишчи кучидан фойдаланаётганлиги аниқланган тақдирда, корхонага нисбатан ҳар бир норасмий ишчиси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдорида жарима қўлланилишини жорий қилиш, шунингдек ушбу корхонага 5 йил давомида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тендер ва танловларда қатнашиш хукуқидан маҳрум қилиш.

Давлат божхона қўмитаси Республика худудига импорт қилган ва божхона омборларидан олиб чиқилган товарларнинг қайси субъектлар томонидан олиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига реал вақт режимида (онлине) тақдим этиш мажбуриятини юклаш. (Мавжуд тизимини тақомиллаштириш ЕЕИСВО)

Адабиётлар /Литература/Reference:

Абу Х., Орлова И.В. (2014) Сравнительный эконометрический анализ величины валового регионального продукта в регионах Российской Федерации//Современные научноемкие технологии. № 7, С. 9-10.

Гордеева С.С., Кочеров А.В. (2014) Анализ и формализация динамики валового регионального продукта в условиях экономической нестабильности //Вестник Челябинского государственного университета. № 15. С. 102-107.

Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Гафур Гулом нашриёт уйи. - 640 б.

Нещадин А., Кашин В. (2013) Динамика развития валового регионального продукта регионов РФ // Ощество и экономика. № 6 С. 157-170.

Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в узбекистане. *Economics and Education*, (6), 82-86. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285

Нормурзаев Умид Холмурзаевич Солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш сиёсати // Экономика и финансы (Узбекистан). 2020. №4 (136). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soli-imtiyozlari-or-ali-i-tisodiyot-tarmo-lari-amda-so-alarida-tizimli-tarkibiy-islo-otlarni-llab-uvvatlash-siyosati>.

Нормурзаев, У. (2021). Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзларини бериш орқали самарали усуllibардан фойдаланиш ўйлари. *Economics and education*, (3), 91-95.

Нормурзаев, У. (2022). Ҳукуматимиз томонидан солиқ маъмурчилиги бўйича 2018-2022 йилларда амалга оширилган солиқ ислоҳотлари натижалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологииялар, 10(5), 325-330.

Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини таомиллаштириш масалалари. *Economics and education*, 24(1), 334-339.

Нормурзаев, У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушкини қисқартириш ўйлари. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 88-89.

Нормурзаев, У. X. (2021). 2021 йилдаги солиқ маъмурчилиги ҳамда солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан. Интернаука, (6-2), 99-100.

Нормурзаев, У. X. (2021). Ҳукуматимиз томонидан берилаётган солиқ имтиёзларининг ҳисобини юритиш ва самарадорлигини таҳлил қилиш масалалари. Экономика и финансы (Узбекистан), (10 (146)), 47-56.

Панкова С.В., Цыпина А.П. (2015) Моделирование влияния социально-экономических факторов на валовой региональный продукт //Вестник Оренбургского государственного университета.. №13. С. 243-248.